
СЕКЦИЯ № 3. Исторические науки

СОВЕТ ДАВРИ МАОРИФ ТИЗИМИДА ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Расулова Нодира Сардаровна,
*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Аннотация. мазкур мақолада совет даврида мамлакатда фуқаролар узлуксиз таълим олишининг оммавий шакли ҳисобланган, меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий таълими ҳамда кадрларнинг малакасини ошириш тизимини тўлдирган халқ университетларининг ташкил этилиши ва фаолияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: халқ университетлари, маориф, мустақил таълим, “Билим” жамияти, коммунистик мафкура.

РОЛЬ НАРОДНЫХ УНИВЕРСИТЕТОВ В СИСТЕМЕ ПРОСВЕЩЕНИЯ В СОВЕТСКИЙ ПЕРИОД

Расулова Нодира Сардаровна
*Доцент Университета общественной безопасности Республики
Узбекистан, кандидат исторических наук*

Аннотация. В статье анализируются организация и деятельность народных университетов, которые считались массовой формой непрерывного образования граждан в стране в советский период и дополняли систему политического и экономического образования рабочих и повышения квалификации кадров.

Ключевые слова: народные университеты, просвещение, самоподготовка, общество «Знания», коммунистическая идеология.

THE ROLE OF PUBLIC UNIVERSITIES IN THE SYSTEM OF EDUCATION IN THE SOVIET PERIOD

Rasulova Nodira Sardarovna
*Associate Professor, PhD in Historical Sciences, the University of Public Safety of
the Republic of Uzbekistan*

Abstract. *The article analyzes the organization and activities of people's universities, which were considered a mass form of continuous education of citizens in the country in the Soviet period and supplemented the system of political and economic education of workers and personnel experience.*

Key words: *public universities, education, self-training, the "Knowledge" society, communist ideology.*

Совет давлатининг орзулари утопиядан бошқа нарса бўлмай, у дунёни тубдан ислоҳ қилиш ва "эксплуатация"ни бартараф этиш учун имкон яратиш кабиларни илгари сурди. Бу ўз навбатида, жамиятни янги, синфий принцип асосида ташкиллаштиришни, пролетариат ва унинг иттифоқчиси бўлмиш камбағал деҳқонлар диктатурасини ўрнатиш орқали "эксплуатация қилаётган синф" қудратини синдиришни тақозо этарди. Шунингдек, ишчи ва деҳқонларнинг ҳам советларча дунёқарашини, яъни нотенгликни эксплуатация деб билишни, синфни муҳим деб, инқилобий курашни нажот йўли сифатида кўришини таъминлаш ҳам зарур эди. Совет институтларининг ташкил этилиши – большевиклар афзал кўрган "совет бинокорлиги" – сиёсатга кўпроқ инсонларни жалб этишга қаратилган оммавий сафарбарлик ҳаракати эди. "Совет бинокорлиги" ҳунарманд, деҳқон, аёллар, ёшларни уюштиришни; мактаб ва газеталарни ташкил этишни; саводсизликка қарши кампанияларни ҳамда Чор Россияси давридагиданда сертармоқ янги маъмурий тузумларга асос солишни қамраб олганди. Бу ўз навбатида, сиёсий ўқувни (политпросвет) ёки камида сиёсий саводни (политграмота) талаб этарди" [1, 157].

Партия маорифи партия мафкуравий ишининг муҳим таркибий қисми бўлиб, коммунистларнинг марксча-ленинча таълим тизими ҳисобланган. Партия маорифининг мақсади "коммунистларда марксизм-ленинизм асосида ижтимоий турмуш ҳодисаларига тўғри баҳо беришни тарбиялаш, онгли равишда партия сиёсатини амалга ошириш ва оммага тушунтириш" деб таъкидланган.

Халқ университетлари собиқ СССРда мавжуд бўлган халқ таълими муассасалари, фуқаролар узлуксиз таълим олишининг оммавий шакли ҳисобланган. Улар таълим ва тарбиянинг бошқа тизимлари билан бир қаторда сиёсий ва иқтисодий таълим ҳамда кадрларнинг малакасини ошириш тизимини тўлдирган. Халқ университетлари меҳнаткашларнинг мустақил таълим олиши, маданий тараққиёти ва профессионал малакасини оширишга имкон берадиган ва жамоатчилик йўли билан тузилган ўқув ташкилотлари ҳисобланиб, 1917 йилги октябрь инқилобидан сўнг умумий таълим ва маданий-оқартув ишларининг шакли сифатида пайдо бўлган.

XX асрнинг 50 йиллари охиридан, яъни ривожланган социалистик жамият, илмий-техника инқилоби ва маданий тараққиёт шароитида халқ университетлари янги асосда тузила бошланди. Маданият университетлари

янги типдаги биринчи халқ университетлари бўлган. КПСС Программасида (1961 йилги) халқ университетлари тизимини янада ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Дастлабки халқ университетлари Ўзбекистон ССРда 1958 йили ташкил этилди. 1977 йили СССРда 40 мингга яқин халқ университетлари ишлади, уларда 10 млн. дан ортиқ киши таълим олди, 510 мингдан ортиқ олим ва мутахассис дарс берди. Жумладан, Ўзбекистон ССРдаги 2 мингта халқ университетида 230 мингдан ортиқ киши таълим олди, 10 мингдан ортиқ олим ва мутахассислар таълим берди. Халқ университетларида ўқиш бепул бўлиб, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб борилди [2, 246].

Уларнинг ривожланишида КПСС Марказий Қўмитасининг “Халқ университетлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1968 йил 8 октябрь қарори [3, 198–202] ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Унда турли йўналишлардаги халқ университетларининг мақсад ва вазифалари, шунингдек, ўша йилнинг ўзида асосий бошқарувчи ва мувофиқлаштирувчи орган сифатида Халқ университетлари марказий кенгаши ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Халқ университетлари қуйидагиларга эга бўлиши керак эди: талабаларнинг доимий таркиби (камида 100 киши), малакали ўқитувчилар; ўқув режалари ва дастурлари (йилига камида 32 та маъруза, амалий, семинар соатлари); ўқув ва моддий-техника базаси [4, 164].

Халқ университетларининг машғулотлари мактаб, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, клуб муассасаларида, корхона, колхоз, совхозларнинг ишлаб чиқариш биноларида ўтказилди. Бутуниттифоқ “Билим” жамияти, ВЦСПС, комсомол ҳамда маориф, маданият, олий ва ўрта махсус таълим, соғлиқни сақлаш вазирликлари, ижодий уюшмалар халқ университетларини уюштирувчилар ҳисобланди. Иттифоқдош республикалар ҳамда унинг маъмурий марказларида, жумладан, Ўзбекистон ССРда халқ университетларига раҳбарлик қилувчи жамоатчилик кенгашлари мавжуд эди. Иттифоқ миқёсида халқ университетлари иши учун масъул ташкилотлар фаолиятига халқ университетларининг 1968 йил тузилган Марказий кенгаши умумий раҳбарлик қилди. Унинг таркибида 119 та машхур олим, жамоат ва давлат арбоблари бор эди [2, 246].

Халқ университетлари турли билим соҳаларида ташкил этилган, шу боис уларнинг фаолиятини турли идоралар назорат қилган: “Билим” жамияти (ижтимоий-сиёсий, табиий фанлар университетлари), адлия (ҳуқуқий билимлар университетлари), маориф (педагогик билимлар университетлари), соғлиқни сақлаш (соғлиққа оид ва тиббий билимлар университетлари), маданият (маданият университетлари), агросаноат (қишлоқ хўжалиги, қишлоқдаги илмий-техникавий ва иқтисодий билимлар университетлари), sanoat вазирликлари (фан-техника тараққиёти, корхоналардаги иқтисодий билимлар университетлари) ва бошқалар.

Халқ университетларига раҳбарлик қилиш учун жойларда жамоат кенгашлари тузилиб, уларнинг фаолиятини тегишли ҳудудий ва идоравий кенгашлар йўналтириб турарди. Марказий кенгаш вазирлик ва идоралар кенгашлари билан биргаликда халқ университетларининг кўрик-танловларини ўтказар, халқ университетларининг тажрибаси оммавий ахборот воситаларида тарқатилишини ташкил этар, халқ университетлари фаолларининг маънавий ва моддий рағбатлантирилишини таъминларди. Халқ университетларида ўқиш бепул бўлиб, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб борилган.

Халқ университетлари ўз тараққиётининг дастлабки даврида (1950 йиллар охири – 1960 йиллар охири) ишларни ташкил қилиш учун доимий бинолар йўқлиги, техник жиҳозлар ва кўргазмали қуроллар етишмаслиги, халқ университетларининг ишини йўлга қўювчи барча ташкилотларнинг вазифалари аниқ чегараланмаганлиги каби бир қатор қийинчиликларга дуч келди. Ўқув дастурлари ўз вақтида чоп этилмас, кўп университетларда доимий талабалар ва ўқитувчилар контингенти йўқ, дарслар барча университетларда ҳам мунтазам ўтказилмас эди. Маърузалар сифати устидан тегишли назорат йўқлиги жиддий муаммо ҳисобланган. Кўп ҳолларда халқ университетларининг раҳбарлари ишларнинг самарали эканлигини кўрсатишга уриниб, дарс режаларига ўтказилиши на малакали ўқитувчилар билан, на кўргазмали қуроллар билан таъминланган маърузаларни киритишарди. Бу муаммоларнинг аксариятини ҳал қилиш асосан “Билим” жамиятига юклатилган эди, чунки айнан у халқ университетларини малакали профессор-ўқитувчилар, ўқув қўлланмалари ва дастурлари билан таъминлаши лозим эди. Бундан ташқари, Бутуниттифоқ “Билим” жамияти бошқаруви негизида Халқ университетлари марказий кенгаши фаолият кўрсатган [4,165].

Бир қатор ҳолларда университетдаги дарсларга қатнаш ҳуқуқини берувчи чиптага эга бўлганларнинг барчаси университет тингловчилари ҳисобланган. “Билим” жамияти референти В.П.Хадикиннинг маълумотномасида 1961/62-ўқув йилида халқ университетлари тингловчиларининг таркиби тахминан қуйидагича эканлиги кўрсатилган: ишчилар – 44%, хизматчилар – 27%, колхозчилар – 4%, талабалар, пенсионерлар, уй бекалари – 25%; 30 ёшгача бўлган ёшлар – 40% га яқин [5, 137].

КПСС Марказий Комитетининг “Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрлар орасида олиб борилаётган ғоявий-тарбиявий ишлар тўғрисида”ги 1963 йил 9 апрель қарорида “раҳбар ходимлар маданият, фан ва техника халқ университетларининг ташкилотчилари ва актив иштирокчилари бўлишлари, мунтазам равишда маърузалар тинглаб, театрларга, бадий кўргазмаларга бориб туришлари, адабиёт ва санъатни ривожлантиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилишда иштирок этишлари, сиёсий, бадий ва махсус адабиётларни систематик равишда ўқиб боришлари зарур” [6, 435], деб таъкидланган.

Ўзбекистон ССРда 1963 йилда халқ университетларнинг сони 800 та бўлган бўлса, 1973 йилда 1500 тага, 1980 йилда эса 2400 тага етган [7, 152]. “Билим” жамияти, халқ университетларига раҳбарлик қилган вазирлик ва идораларнинг самарали фаолияти натижасида халқ университетлари 1970-йиллар бошига келиб меҳнаткашлар таълимининг чинакамига оммавий шаклига айланди. Шу ўринда фаннинг долзарб муаммолари бўйича маърузалар цикллари асосида шаклланган ва таъсисчиларидан бири “Билим” жамияти бўлган халқ университетларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу тизим ўша давр учун илмий маърифатнинг яхши ташкил қилинган механизми бўлиб, у аҳолининг муайян гуруҳлари учун ҳам, кенг аудитория билан ишлаш учун ҳам турли маърифий тадбирларни ўтказиш имконини берди. Аммо бу билимларнинг асосий қисми коммунистик мафкура билан суғорилган, ва албатта, барча кадрлар ҳам мана шу таълим асосида мамлакатнинг содиқ хизматчиларига айланиши лозим эди.

Халқ университетлари турли дастурлар бўйича ишлаган: бир, икки ва уч йиллик университетлар бор эди. Салбий жиҳат шундан иборат эдики, бир йиллик университетларнинг иши доимий тусда бўлмай, оммавий равишда очилар ва худди шу тариқа тезда ишламай қоларди. Халқ университетлари барча йўналишлардаги олий ўқув юртларида маърузаларнинг асосий қисми партия ҳужжатларини ҳамда партия ва ҳукумат қабул қилган қарорларни тушунтиришга қаратилган маърузаларни ўрганишга қаратилган эди. 1971 йилда съездларда қабул қилинган ҳужжатларни ўрганиш учун тўртта халқ университети махсус ташкил этилди [4, 166].

Турли маданият университетлари “Коммунистик партияга янги шахсни шакллантиришда ҳар томонлама ёрдам беришлари, ғоявий таъсири билан ҳар бир совет одамига етиб боришлари, тингловчиларда мустақил таълим олишга интилишни ривожлантиришлари, уларга олган билимларидан ҳаётда яхшироқ фойдаланишларида ёрдам беришлари, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Дастури, КПСС XXII съездининг қарорлари рўёбга чиқарилишида фаол иштирок этишлари” керак эди. Маданият соҳасидаги халқ университетларининг йўналиши ва тузилиши маҳаллий шароит ва талаблардан келиб чиқиб белгиланарди. Халқ университетларининг фаолияти ихтиёрийликка, “олимлар, жамоат арбоблари, фан, техника, маданият ходимлари, ишлаб чиқариш новаторларининг халққа илм етказиш борасидаги ватанпарварлик интилиши”га [8, 3-4] асосланган эди. Одатда, халқ университетида ўқиш муддати икки йил бўлган; ўқув йили 1 сентябрда бошланиб, қишлоқ жойларда 15 апрелда, саноат корхоналари, туман марказлари каби жойларда 1 июнда якунланган [5,138].

1980 йилга келиб собиқ СССРда жами 13 838 минг тингловчи таълим олувчи 47 534 та халқ университетлари фаолият кўрсатган. Уларнинг орасида қуйидаги йўналишлардаги халқ университетлари салмоғи

нисбатан кўпроқ эди: педагогик билимлар университетлари – 13 965 та, маданият университетлари – 6311 та, ижтимоий-сиёсий билимлар университетлари – 5454 та, тиббий билимлар университетлари – 5167 та, ҳуқуқий билимлар университетлари – 4635 тани ташкил этган. Халқ университетлари тингловчилари орасида ишчилар – 43 %, колхозчилар – 13 %, хизматчилар – 44 % ни ташкил этган [7, 148-149].

Халқ университетлари ривожланишининг янги босқичи 1980-йилларнинг ўрталарида бошланди. Марказий қўмита пленумларининг материаллари, М.С. Горбачёвнинг съезддаги сиёсий маърузаси ва КПСС Дастурининг янги таҳрири таълимнинг мафкуравий мазмунини янгилаш жиҳатидан ҳам, ташкилий чора-тадбирлар нуқтаи назаридан ҳам халқ университетларининг ривожланишига янги туртки бўлди. Асосий эътибор таълимнинг ғоявий мазмунига қаратиларди. Статистик маълумотлар халқ университетларининг фаоллиги ошганидан далолат берса-да, кўпгина маърузалар номига ўтказилар ва тингловчиларда қизиқиш уйғотмасди. “Билим” жамияти илмий-методик кенгашлари аъзоларининг машғулотлар ҳақидаги ҳисоботлари ана шундан далолат беради [4, 167].

Умуман олганда, халқ университетлари совет фуқароларини тарбиялашда, уларнинг билим даражаси ва малакасини оширишда, ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолликни кўтаришда ижобий роль ўйнади. Халқ университетларининг бошқарув тузилмаси, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тизими, таълим мазмуни ва шакллари ўз даври учун истиқболли ва илғор бўлиб, улар таълимда узлуксизликни, илмий-техникавий ижоднинг энг яхши намуналари сақлаб қолиниши ва кейинги авлодларга етказилишини таъминларди. Бироқ, Совет давлати инқирозга юз тутиб парчалангач, халқ университетлари ҳам таназзулга юз тутди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.Холид, Ўзбекистон таваллуди: илк СССР даврида миллат, империя ва инқилоб. – Т.: “Академнашр”, 2022.
2. Халқ университетлари // Ўзбек совет энциклопедияси. Т.12. – Т.: ЎзСЭ Бош редакцияси, 1979.
3. Об улучшении работы народных университетов: Постановление ЦК КПСС от 8 октября 1968 г. // КПСС о культурно-просветительной работе. – М.: Советская Россия, 1972.
4. Пинаева Д.А. Народные университеты в системе непрерывного образования советских граждан в 1970–1980 гг. (на примере Татарской АССР) // Тамбов: Грамота, 2014. – № 1 (39): в 2-х ч. Ч. II.
5. Королев А.А., Вазеров И.Д. Создание народных университетов в Пензенской области // Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Гуманитарные науки. – 2022. – № 2.

6. КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет пленумларининг резолюция ва қарорлари Т. 8. 1959–1965 (П. Н. Федосеев ва К.У. Черненконинг умумий таҳрири остида). – Т.: Ўзбекистон, 1985.

7. Сборник статистических материалов, 1981 / ЦСУ СССР. – М.: Финансы и статистика, 1982.

8. Примерное положение о народных университетах культуры. – М.: Знание, 1961.